

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ
АКАДЕМИЯСИ**



**ДИНШУНОСЛИКНИНГ
ДОЛЗАРҒ
МУАММОЛАРИ**



XI

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2019

УЎК: 21/29

КБК 86.2

Д 53

Диншуносликнинг долзарб муаммолари [Матн] / тузувчилар гуруҳи: М.Алимова, [ва бошқ.] – Тошкент : Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёти, 2019. – 248 б.

КБК 86.2

Масъул муҳаррирлар:

Ш.Ёвқочев – сиёсий фанлари доктори, профессор
З.Исломов – филология фанлари доктори, профессор

Таҳрир хайъати:

З.Исломов, Д.Раҳимжонов, А.Ҳасанов, Н.Низомиддинов, М.Мирқосимова, Д.Махсудов, Х.Тўйчиёва,
М.Алимова, А.Абдуллаев, С.Оқилов, Д.Муротов, Н.Муҳамедов, Ҳ.Сағдиев, С.Саиджалолов,
Р.Исоқжонов, Д.Қаландарова, Г.Худойберганова, О.Эрназаров, Л.Алиджанова, К.Арипова

Тузувчилар:

С.Саиджалолов – катта ўқитувчи
О.Эрназаров – ўқитувчи

Такризчилар:

М.Камилов – тарих фанлари номзоди
Д.Расулов – тарих фанлари номзоди

Ушбу илмий тўплам Ўзбекистон халқаро ислом академиясида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган “Диншуносликнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материалларини ўзида мужассам этган. Тўпламда республикамиздаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида диншунослик фанлари бўйича дарс берувчи профессор-ўқитувчилар, диншунослик соҳаси бўйича таниқли олимлар, исломшунос, шарқшунос, манбашунос, тарихчилар, шунингдек, ёш тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари асосида ёзилган мақолалар жамланган.

Мазкур материалларда диний бағрикенглик, миллий ва диний қадриятлар уйғунлиги, аждодларимизнинг илмий-маънавий меросининг ҳаётимизда тутган ўрни ўз ифодасини топган. Тўплам диншунослик соҳасида изланиш олиб бораётган илмий тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчи ва педагогларнинг илмий-амалий фаолиятларини самарали ташкил этишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Тўпламга киритилган материалларда келтирилган рақам, факт ва маълумотлар учун муаллифлар масъулдир.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси Кенгашининг 2019 йил 6 апрелдаги 9-сонли қарорига биноан нашрга тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 1929-сонли хулосасига асосан тайёрланди.

Хулоса қилиб айтганда, ақлий илмларнинг ривожига бевосита тафсириларга ҳам таъсир этиб, бугунги кунгача ҳам ақлий тафсирилар ёзилиши давом этиб келмоқда. Келажакда ҳам ақлий илмлар қанчалик ривожланса, тафсириларнинг тури ва сони ҳам ортиб бораверади. Бу ҳолда тадқиқотчиларнинг яна янги тадқиқот олиб боришлари ва тафсириларни таҳлил этиб боришлари муҳимлигича қолади.

* * *

Д.Муродов,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, доцент в.б.

«САҲИҲ» ҲАДИС ТЎПЛАМЛАРИ ХУСУСИДА

«Сиҳоҳ» луғатда «саҳиҳ» сўзининг кўплиги бўлиб, саҳиҳлар маъносини билдиради. Ишончли, яъни саҳиҳ ҳадисларни ўзида жамлаган асарларга «Саҳиҳ» номи берилган. Бундай номдаги асарлар кўп бўлсада, Имом Бухорий ва Муслимларнинг «Саҳиҳ»ларидан бошқаларида ҳадиснинг «ҳасан» ва «заиф» турлари учрайди.

Саҳиҳ номини олган асарлар орасида Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»и энг машҳури бўлиб, унинг тўлиқ номи «ал-Жоме ал-муснад ас-саҳиҳ ал-мухтасар мин умур Расулulloҳ (с.а.в.) ва суна-них ва айямиҳ»дир. Фақат саҳиҳ ҳадислар тўпланган биринчи асар ҳисобланади ва у 16 йил давомида ёзиб тугатилган. Бу асар кўп мартаба нашр қилиниб, унга кўплаб шарҳлар битилган. Ровийларининг ишончилиги ва ҳадис матнидан кўп ҳолларда фойдаланилгани ва бошқа сабаблар учун Қуръондан кейинги энг ишончли манба сифатида қаралади. Муаллиф 600000 ҳадисдан саралаб жамлаган, Ибн Са-лоҳ ва Нававийнинг фикрига кўра, китобда 7275 та ҳадис, такрорсиз эса, 4000 ҳадис жамланган. Кейин-ги ўринда Имом Муслимнинг «Саҳиҳ» асари туради. Муаллиф бу асарни 300000 та ҳадис орасидан саралаб, 15 йил мобайнида ёзган. Асарда 12 000 та ҳадис мавжуд бўлиб, такрорларисиз 4000 та ҳадис жамланган. Барча олимлар Имом Бухорий ва Муслимнинг «Саҳиҳ» асарларини ишончли манба эканига иттифоқ қилганлар. Уларнинг асарларини «Саҳиҳайн» номи билан аташ урф бўлган.

Имом Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Ҳузайма ибн Муғйра Абу Бакр Найсапурий Шофеийнинг (ваф. 311/923 й.) «Саҳиҳ» асари «Ибн Ҳузайма саҳиҳи» номи билан машҳур бўлиб, унинг тўлиқ номи «Мухтасар ал-мухтасар мин ал-муснад ас-саҳиҳ ан-Набий би нақл ал-адл ан-ал-адл мавсулан илайҳи мин ғойр қатъин фи асно ал-иснод ва ла жарҳ фи нақлий ал-ахбор»дир. Имом Ҳозимий ва Суютий бу асарни Ибн Ҳиббоннинг «Саҳиҳ»идан юқори мартабада туришини эътироф этишган. Каттоний «ар-Рисола ал-мустатрафа» асарида: «"Шайхон"дан кейин саҳиҳ борасида энг ишончли ёзилган асар Ибн Ҳу-займанинг асари», дейди.

Муҳаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад ибн Муоз Абу Ҳотам Тамимий Доримий Бустий (ваф. 354/965 й.) ҳам ўзининг асарини «Саҳиҳ» деб номлаган. Каттоний: «Китоб ўзи ўйлаб топган тар-тибда бўлиб, на бобларга бўлинган ва на муснад услубида ёзилган. Асардан фойдаланиш жуда қийин. Амир Алоуддин Абу Ҳасан, Али ибн Булбон ибн Абдуллоҳ Форисий Фақиҳ Наҳавий (ваф. 739/1338 й.) каби олимлар уни бобларга ажратганлар. Али ибн Булбон китобни «ал-Иҳсон фи тақриб Саҳиҳ Ибн Ҳиббон» деб номлаган. Бир неча марта нашр этилган», деган.

Ҳофиз Саид ибн Усмон ибн Саид ибн Сакан Абу Али Бағдодий Мисрий (ваф. 353/964 й.) ҳам ўз асарига «Саҳиҳ» номини берган. Каттоний: «Бу асар «ас-Саҳиҳ ал-мунтақо» ва «ас-Сунан ас-сиҳоҳ ал-маъсура» номлари билан юритилган. Аҳкомнинг барча боблари бўйича тартиблаб, ўз наздида саҳиҳ бўлган суналарни киритган», деган. Ибн Ҳиббоннинг ўзи: «Мен китобимда келтирган ҳадислар саҳиҳлигига ижмо қилинган. Кейинги зикр қилганим имомлардан бири танлаб олган ном билан ата-дим. Зикр қилинган нарсани қабул қилишда ҳужжатини тушунтириб ўтдим. Ҳадисни нақл қилувчи-лар ёлғизланиб қолган бўлса, унинг иллатини келтирдим ва ёлғизланиб қолган ўринларни далил билан исботладим», деган.

Аҳмад ибн Исмоил Абу Бакр Исмоилий Журжоний (ваф. 371/981 й.) ҳамда Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим Абу Авона Исфароиний (ваф. 316/928 й.) ҳам ўз «Саҳиҳ»лари билан танилганлар.

Ҳоким Найсапурий номи билан танилган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Абу Абдуллоҳнинг (ваф. 405/1014 й.) «ал-Мустадрак ала ас-саҳиҳайн» асарини ҳам «Саҳиҳ» ишончилиги нуқтан назаридан

сахих деб юритилади. Бирок олим ўз китобини қайта кўриб чиқиб, тахрир қилаётганида вафот этади, шу сабабли асарнинг тахрир қилган жойигача ишончли ҳисобланади.

Ибн Жоруд номи билан машҳур бўлган Абдуллоҳ ибн Али Найсапурий (ваф. 307/919 й.) «ал-Мунтако» асарини ёзган. Асарнинг тўлиқ номи «ал-Мунтако ал-мухтор мин ас-сунан ал-муснада ан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) фи ал-аҳком» дир. Каттонийнинг айтишича, бу асар «Ибн Хузайманинг «Саҳиҳ»ига мустаҳраж қилинганга ўхшайди. Ҳадисларни саралаб 800 тага етказган. Абу Амр Андалусий томонидан бу асарга «ал-Муртако» номли шарҳ ёзилган».

Қосим ибн Асбағ ибн Муҳаммад ибн Юсуф Байёний Куртубий Моликийнинг (ваф. 340/951 й.) «ал-Мунтако» асари ҳам «Саҳиҳ»лардан деб қаралади. Айнан «ал-Мунтако» асарини «Саҳиҳ» тўпламлардан ҳисобланишини олим Саййид Абдулможид Ғоврий «Мавсуа улум ал-ҳадис ва фунуних» асарида келтириб ўтган.

Ҳофиз Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ Абу Абдуллоҳ Саъдий Димашкий Солихийнинг (ваф. 643/1245 й.) «ал-Аҳодис ал-мухтора минма лайса фи ас-саҳиҳайн ав аҳадуҳумо» асари. Каттоний, асарни муснад услубида алифбо тартибида, бобларга ажратмаган ҳолда, 86 жўздан иборат ҳолатда ёзилганини, аммо асар охирига етмай қолганини билдиради. Олим Заркаший ҳадисларини саҳиҳ дейиши Ҳокимнинг саҳиҳидан (яъни «Мустадрак»дан) устун бўлиб, Имом Термизий ва Ибн Ҳиббонларнинг саҳиҳига яқин туради, деган. Муҳаддис Ибн Абдулҳодий эса, унда хатолар кам, Ҳокимнинг саҳиҳидек эмас, деган фикрни илгари суради.

Ҳофиз Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Абу Ҳомид Найсапурий Шофейининг (ваф. 325/937 й.) «Саҳиҳ»и. Бу олим Имом Муслимнинг шогирдларидан биридир. Муҳаддислардан Заҳабий ва Субкий ўз асарларида унинг «Саҳиҳ» асарини ёзганини келтириб ўтган. Каттоний бу асарни машҳур бўлмаган, дейди.

Али ибн Умар ибн Аҳмад Абу Ҳасан Доракутний Бағдодий Шофейининг (ваф. 385/995 й.) «Илзомот»и. Каттоний бу асарни саҳиҳайнга ёзилган мустадракка (мустадрак услубида ёзилган асарга) ўхшатади. Унда Имом Бухорий ва Муслим шартига мос келган ва уларнинг китобларида келтирилмаган ҳадисларни жамлаган, муснад услубида тартиблаган, деган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, «Саҳиҳ» номи билан ёзилган асарлар бир нечани ташкил этади. Шу билан бирга, асар бошқа номлар билан аталса-да, ишончли ҳадислар жамлангани эътиборидан уларга саҳиҳ номи берилган. Бирок бу тўпламларнинг аксарияти ишонлилиги нуқтани назардан олти саҳиҳ тўпламга етмайди.

* * *

З.Шакирова,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
доц.в.б.

ИСЛОМ МЕҲР-ШАФҚАТ ДИНИ

Барча монотеистик динлар, хусусан, ислом дини ўзининг юксак инсонпарварлик, бағрикенглик, маърифатпарварлик каби ғоялари билан жамиятнинг маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Лекин ҳозирги кунда турли экстремистик ва террористик оқимлар ислом ниқоби остида иш олиб бориб, ушбу динни бошқа динлар орасида энг тажовузкор динга айлантириб, бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқида бу ҳақда гапириб: «Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз», деб бежиз таъкидламаган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ислом динини, алломаларимизнинг бой меросини ўрганиш, тарихий обидаларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу каби хайрли ишлар юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Ислом дини фақатгина инсонлар учун эмас, балки барча олам учун меҳр-шафқат динидир. Меҳр-шафқат (рахмат) ва унинг ўзагидан ясалган сўзлар Куръони каримда бир неча юз марта тақрорлан-

2-ШЎБА

ИСЛОМШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

С.Агзамходжаев. Правильное исламское просвещение – фактор стабильности и правопорядка в обществе.....	56
М.Гаффорова. Ислом динида аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини ошириш масалаларига доир	59
А.Абдуллаев. Маъсур тафсир ва унинг хусусиятлари	60
Д.Махсудов. Ақлий тафсир турлари	64
Д.Муродов. «Саҳиҳ» ҳадис тўпламлари хусусида	66
З.Шакирова. Ислом меҳр-шафқат дини	67
Б.Ахмедов. Абу Бакр Жассос ижодида ахлоқий масалаларнинг ёритилиши	68
С.Мир-жаъфаров, Ҳ.Абдумажидова. Ёкут Ҳамавий асарларида Мовароуннахр олимларининг ёритилиши	71
Ш.Тоҳтиев. Особенности шиитской догматики	73
Л.Алиджанова. “Саҳиҳ ал-Бухорий” асаридаги тибга оид ҳадисларнинг аҳамияти	76
Ў.Палванов. Саъдуддин Тафтазоний наздида гуноҳи кабира талқини	78
А.Исматуллаев. Хива хонлигида Қуръон қироати ва қориларга муносабат	80
Д. Нурмухамедов. IX-X асрлар: Шошда ҳадис илмининг ривожи	82
Ё. Шукуров. Қуръон манбашунослиги: оятларнинг тарқоқлик даври	83
А. Муратов. Умар Насафий “ат-тайсир фи илмит-тафсир” асарининг кодикологик жиҳатдан таҳлили	85
Н.Тўраев. Ҳадисшуносликка оид илмлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари	87
Б.Анварова. Оилада ота-она ва фарзанд муносабатларининг маънавий-маърифий жиҳатлари	89
С.Юсупхожиева. Аёлларнинг ҳадис ривоят қилиш борасидаги фаолияти	91
М.Жалолдинова. Усмон Ўшйининг “Бадъул амолий” асари ва унинг ўзига хос жиҳатлари	92
Г.Асқарова. Ислом дини манбаларида никоҳ ва оила масаласи.....	94

3-ШЎБА

ИСЛОМ ТАРИХИ, ФАЛСАФАСИ ВА ҲУҚУҚИНИНГ МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

М.Муҳаммадсидиқов. Глобаллашув ва модернизация жараёнларининг мусулмон мамлакатларига таъсири.....	97
Н.Мустафаева. IX – X асрлар Мовароуннахрда қурилиш маданияти: Исмоил Сомоний мақбараси мисолида	99
Н. Мухамедов. Ҳастимом мажмуаси илмий-маданий марказлардан бири	101
И.Гафурова. Чор Россияси ва Совет мустамлакаси даврида ислом обидаларига бўлган муносабат	103
S.Jamalov. Abdul-Hayy al-Laknawi, Abu al-Hasanat Mohammad's life and art.....	105
З.Зийнатуллаев, М.Бахронова. Мусо ал-Хоразмийнинг илмий фаолияти ва унга берилган эътирофлар	106
З. Хидиров. Ибн ал-Асирнинг устоз ва шогирдлари	108
Д.Сагдуллаева. “Қисаси рабғузий” асарида ислом тарихий шахсларига оид баъзи антропонимлар	111